ОЙГУЛ ШАРИПОВА

# НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИ АСОСЛАРИ

( МАХСУС КУРС )



БУХОРО,
2020

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТАРИХ ВА МАДАНИЙ МЕРОС ФАКУЛЬТЕТИ

ОЙГУЛ ШАРИПОВА

# НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИ АСОСЛАРИ

( МАХСУС КУРС )

БУХОРО,
2020

**Нақшбандия тариқати асослари (маърузалар матни).Тўплаб нашрга тайёрловчи , мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи О.Т.Шарипова.**


***Масъул муҳаррир: Гулчеҳра Наврўзова***
***Фалсафа фанлари доктори, профессор***

***Тақризчилар: Бобир Намозов***
***Фалсафа фанлари номзоди,доцент***

***Бобир Каримов***
***Фалсафа фанлари номзоди,доцент***

***Холида Раҳматова***
***Фалсафа фанлари номзоди,доцент***


**Абдухолиқ Ғиждувонийнинг 915 ва Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллигига туҳва**

**Ушбу ўқув қўлланма "Ислом тарихи ва манбашунослиги" таълим йўналиши талабаларининг "Нақшбандия тариқати асослари" номли 22 соат маъруза ва 22 соатлик амалий дарс машғудотлари учун тайёрланган бўлиб, Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти – ISESCO томонидан Бухоро шахрининг 2020 йилда "Ислом маданияти пойтахти" деб эълон қилинганлигига бағишланади. .**


**Buxoro Davlat universiteti oʻquv-metodik kengashi tomonidan nashrga tavsiya etilgan (2020-yil 27-maydagi 7-son yigʻilish bayonnomasi)**




## *КИРИШ*

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев куни кеча Олий Мажлисга қилган мурожаатномаларида 2020 йилни "Илм-фан ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"деб номладилар. Бу жорий йилда илм-фанни янада тараққий эттиришга бериладиган эътибор нишонасидир. Барча даврларда ҳам илмли инсонлар инсоният раҳнамолари ҳисобланган.

Улкан тарбиявий-маърифий, инсонпарварлик моҳиятига эга бўлган улуғ кишилар таълимотини ўрганиш, ўз миллий маънавиятини ривожлантираётган Ўзбекистонимиз халқи олдида турган доимий вазифалардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда маърифий исломни ривожлантириш, буюк алломалар қадамжоларини обод қилишга қаратилган эътибор халқаро миқёсда тан олинмоқда. Хусусан Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти – ISESCO томонидан Бухоро шахри 2020 йилда Ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилинди.

Муҳтараам Президентимиз Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий – иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Бухорои Шарифга ташрифлари чоғида Абдухолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Ориф Ревгарий, Али Ромитаний, Бобойи Самосий, Маҳмуд Фағнавий, Саййид Амир Кулол меъморий мажмуаларини ўз ичига олган "Етти пир"зиёратгоҳини замон талаблари даражасида реконструция қилиш ва уларни боғловчи янги сайёҳлик йўналиши ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берган эдилар.

Шунга мувовиқ, "Етти пир"зиёратгоҳларида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Бу масканларни обод қилиш билан бирга "Етти пир" ҳақида китоб яратиш, уларнинг илмий меросини тарғиб этиш зарурлиги таъкидланди.

"Бундай маънавий хазина бошқа ҳеч қаерда йўқ.Бу хазинани мукаммал ўрганиш , одамларга, ёшларга осон тилда етказиш керак. Мақсадимиз ёшларимиз ўзимизнинг алломаларга эргашсин, меросини билсин, улар билан фахрлансин"[1]деди Президентимиз.

[1] Халқ сўзи.2019 йил,30 март№61